
Кимё саноатида энергия самарадорлиги: «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2025 йил биринчи ярим йилликдаги натижалари - инфографика

// 23.07.2025
https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/kimyo-sanoatida-energiya-samaradorligi-uzkimyosanoat-azhning



Мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган саноат соҳасида, хусусан, кимё саноатида энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва «яшил» технологияларга ўтишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзкимёсаноат» АЖ 2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида ушбу йўналишда бир қатор амалий чораларни жорий этди. Жумладан, йирик корхоналарда энергия аудитлари ўтказилиб, истеъмолдаги йўқотишлар таҳлил қилинди ва уларни бартараф этиш учун технологик жараёнлар модернизация қилинди. Энергия тежовчи ускуналар ўрнатилиши, автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг жорий этилиши орқали энергоресурсларни сезиларли даражада тежашга эришилди.

Жорий йил январь-июнь ойларида тармоқ бўйича ташкилий-техник чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 29,2 млн м3 табиий газ ва 14,9 млн кВт.с электр энергияси тежалди.

Мамлакатимизда барқарор ривожланиш ва экологияни муҳофаза қилиш мақсадида қуёш энергиясидан фойдаланиш сўнгги йилларда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қуёш фотоэлектр станцияларини ўрнатиш орқали анъанавий энергия манбаларига бўлган юк камайтирилмоқда, электр энергияси ишлаб чиқаришда чиқиндисиз, табиий ресурсларни тежовчи ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологиялар кенг қўлланилмоқда. Бу жараёнлар нафақат энергетика мустақиллигини оширишга, балки ишлаб чиқаришнинг экологик барқарорлигини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Бу борада «Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналарида амалга оширилаётган ишлар натижасида бугунги кунда тармоқ корхоналарида ўрнатилган ФЕСларнинг умумий қуввати 12,0 минг кВтни ташкил этмоқда.

Жорий йил январь-июнь ойларида ФЕСлар орқали 7,9 млн кВт.с электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 320,6 минг кВт.с электр энергияси худудий электр тармоқларига узатилган. Яъни, 96 фоиз ишлаб чиқарилган энергия корхоналарда истеъмол қилинган бўлса, 4 фоизи сотилган.Йил сўнггига қадар тармоқ корхоналарида умумий қуввати 4 510 кВт бўлган ФЕСларини қуриш режалаштирилган

Умуман олганда 2025 йилда энергия самарадорлигига эришиш бўйича «Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналарида электр энергияси ва табиий газни тежашга қаратилган 51 та ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган. Бунинг натижасида 70,1 млн м3 табиий газ ва 20,2 млн кВт.с электр энергиясини тежаш назарда тутилган.

Бу жараёнлар нафақат ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга, балки экологик барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. «Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан амалга оширилаётган мазкур ислоҳотлар кимё саноатининг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга, унинг глобал тенденцияларга мос ривожланишига ҳам замин яратмоқда.

«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати